

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Андижон туман Ободонлаштириш
бошкармаси раҳбари

Н.Нематжонов



Андижон туман Ободонлаштириш бошкармаси

ТЕХНИК ТОПШИРИК

	Асосий маълумотлар	Бажарувчи
1	Таъмирланадиган объект	Андижон туман хокимлиги хузуридаги Ободонлаштириш бошкармаси Нухатак МФЙ Янги хаёт кучасини асфатлаш лойиха смета хужжатларини тайёрлаш
2	Буюртмачи	Андижон туман Ободонлаштириш бошкармаси
3	Буюртма учун таъмирлаш	Андижон туман хокимлиги хузуридаги Ободонлаштириш бошкармаси Нухатак МФЙ Янги хаёт кучасини асфатлаш лойиха смета хужжатларини тайёрлаш
4	Жойлашгандурни	Андижон туман Куйган-ёр шахарчаси Олийгоҳ қўчаси
5	Катнашувчилар учун талаблар	Андижон туман хокимлиги хузуридаги Ободонлаштириш бошкармаси Нухатак МФЙ Янги хаёт кучасини асфатлаш лойиха смета хужжатларини тайёрлаш
6	Тижорат таклифларини тақдим этиш шартлари	Электрон танлов https://etender.uzex.uz оркалитанловхужжатлари
7	Бажарилган ишлар хисоб китоби	3 000 000,0
8	Ишни бажариш муддати	2022 йил Апрель ойи
9	Техника хавфсизлигиб Уйичаталаблар	Иш бажариш жараёнида техника хавфсизлик коидаларига тўла риоя килиш шарт
10	Молиялаштиришманбаи	Бюджетдан ташкари манбалари

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Андижон туман Ободонлаштириш

Бошкармаси раҳбари

Н.Нематжонов



Андижон туман Нухатак МФЙ Янги хаёт кучасини асфатлаш ишлари
учун

ЛОЙИХА СМЕТА ХУЖЖАТЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ УЧУН

ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ

Андижон туман - 2022 йил

Танлов хужжатларининг мазмуни:

1. Танлов иштирокчилари учун йўрикнома

П. Техник кисм

Ш. Нархлар кисми

ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙУРИКНОМА 1.ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАИ

1.Танлов предмети: Андижон туман Нухатак МФЙ Янги хаёт кучасини асфатлаш ишлари учун лойиха хужжатларини тайёрлаш .

1.2.Махсулот бўйича Техник топширик танлов хужжатларининг техник кисмida илова килинган.

Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиккан бажарувчи такикшот билан шартнома тузилади.

1.3.Ишларни бажариш муддати: ғолиб бўлган катнашчи билан шартнома имзоланган кундан бошлаб тузилган нуксон далолатномасига асосан белгиланган график бўйича.

1.4.Ишларни бошлаш муддати — аванс маблағи Ўтказилган кундан бошлаб хисобланади.

2.ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. Андижон туман Ободонлаштириш бошкармаси (бундан кейин-“Буюртмачи” деб аталади) — танлов ташкилотчisi хисобланади.

“Буюртмачи” манзили .• Андижон туман Куйган-ёр шаҳарчаси Олийгоҳ кучаси

2.2.Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади.

2.3.Танлов Андижон туман Ободонлаштириш бошкармаси “Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан конунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

3.ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1.Танлов мулкчилик шаклидан катъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, камида З йил тажрибага эга бўлган барча юридик макомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга куйидаги малакавий талаблар кўйилади:
танлов предмети ишлар(хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва
мутахассисларнинг мавжудлиги; объектнинг мураккаблик даражасига караб, "лицензия" ва "
гувохнома". 684-Конун 13-моддатига риоя этилиши шарт

- Моддий-техника базаси хамда ташкилотнинг оргтехника рўйхати ускуналар
- Бахтсиз ходисалар бўлган вазиятларда ишчи ходимларнинг хаёти суғурталанганилиги
- Техника хафсизлиги коидаларига риоя килиш талаблари хамда йўрикномалари
- Ишчи ходимларнинг диплом нусхалари, меҳнат дафтарчалари ёки mehnat.uz сайтси оркали
рўйхатдан ўтганлиги тўғрисидаги жужжат
- Бажарилган ишларга бериладиган кафолат муддати
- Шу соҳада олдин килинган ишлари бўйича буюртмачилар берган тавсифномалари

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар) бажариш билан боғлик фаолият
конунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун
белгиланган тартибга мувофик тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рұксат этилади.

3.4. Куйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рұксат берилмайди:
кайта ташкил этилиш(ажралиши, кўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турғанлар;
молмулки мусодара килинганлар, хамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва
бошка шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-хукукий ёки бир бирига молиявий карамлиги
мавжудлар.

4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ

4.1. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар, маълумотлар
"Буюртмачи" ва "Иштирокчи" ихтиёрига кўра ўзбек ва рус тилида тақдим этилиши мумкин.

4.2. Танлов хужжатларида куйидагилар тақдим этилиши лозим:

Техник кисм, "Буюртмачи" томонидан куйилган техник талабларни ва бажариладиганиш ва
хизматлар кўрсатилиши керак;

Нархлар кисми, Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш
муддатлари, тўловлар тартиби ва яқуний тўловлар ва бошка боғлик кўрсаткичлар кўрсатилилан
бўлиши керак.

Танлов иштирокчилари хар бир таклифларни яхлит холда тикилган, номерланган ваколатли
шахс имзоси ва мухри билан тасдикланган холда ёки хар бир вароғини мухрлаб тасдиклаган
холда тақдим этишлари лозим.

4.3. Куйидаги хужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади:

Техник ва нархлар бўйича куйидаги таклифлар:

Техник хужжатлар рўйхати (брошюралар, техник паспортлар ёки ўхшаш хужжатлар рўйхати
илова килинади);

Нархлар таклифи ва нархлар бўйича жадвал тўлдирилиши ва илова килиниши лозим.

4.4. Танлов иштирокчиси:

факат битги таклиф бериши мумкин; тақдим этилаётган хужжатларнинг хакикийлиги ва
маълумотларнинг хакконийлигига тўлиқ жавобгар бўлади; таклифлар бериш муддати
тугагунга кадар ўз таклифларини кайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш хукукига эга.

5. ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ

5.1. Харид комиссияси танлов учун таклифларни кабул килиш муддатини барча иштирокчилар
учун таълукли холда эълон килинган муддатдан яна 5 календар кунга узайтириши мумкин.

5.2. Таклифлар муддатини узайтирилиши факт харид комиссияси йигилиши карори асосида
амалга оширилади.

5.3. Танлов муддатини узайтириш түғрисидаги карор маҳсус ахборот порталаида
жойлаштирилиши лозим.

6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

- 6.1. Давлат харидлари туғрисидаги Конун талабларини бузган шахслар конунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.
- 6.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича конунчиликда белгиланган тартибда ғолиб иштирокчиларни аниглаш ва асосланган карор кабул килиш бўйича мажбурдир.
- 6.3. Танлов иштирокчиси такдим этилган барча хужжатларни хакикийлиги ва тўғрилигига жавобгардир. Ғолиб иштирочи деб топилгандан сунг конунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан Ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

7. БОШКА ШАРТЛАР

- 7.1. Давлат буюртмачиси танлов хужжатларига Ўзгартиришлар киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин карор кабул қилишгаа хакли. Товарни (ишни, хизматни) Узгартаришга йўл кўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов хужжатларига Узгартаришлар киритилган санадан эътиборан камида ун кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вактда, агар эълонда кўрсатилаган ахборот Узгартирилган бўлса, танлов Утказиш тўғрисидаги эълонга Узгартариш киритилади.
- 7.2. Танлов иштирокчиси танлов хужжатлари коидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишига хами, сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичida давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов хужжатларининг коидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини Узгартирмаслиги керак.
- 7.3. Таклифларни кўриб чикиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг аъзолари томонидан имзоланади хамда ундан олинган кўчирма у имзолаган кундан эътиборан уч иш куни ичida маҳсус ахборот порталида эълон қилинади.
- 7.4. Танловнинг исталган иштирокчиси такливларни кўриб чикиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни татим этиш тўғрисида сўров юборишига хакли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичida танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни такдим этиши шарт.
- 7.5. Танлов натижалари бўйича шартнома танлов хужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади.

Лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш ишларини бажариш учун

№ 6 - сонли шартнома

Андижон тумани

«24» май 2022 йил

Андижон туман ҳокимлиги хузуридаги Ободонлаштириш бошкармаси келгуси ўринларда «Буюртмачи» деб аталиб Низомга асосан раҳбари Н.Нематжонов бир томондан «ЙЎЛЛОЙИҲА БЮРОСИ» МЧЖ кейинги ўринларда «Бажарувчи» деб аталиб ҳамда Низом асосида иш юритувчи номидан раҳбар в.б. F. Мухуддинов иккинч томондан мазкур лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш ишларини бажариш ишлари бўйича шартнома туздилар:

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ.

1.1 Андижон туман ҳокимлиги хузуридаги Ободонлаштириш бошкармаси Нухатак МФЙ Янги хаёт кучасини асфатлаш ишлари учун смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва тайёрлашни ўз зиммасига олади.

1.2. Буюртмачи лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун топшириқ бериш, лойиҳа-смета ҳужжатларини тузиш учун зарур бўлган дастлабки маълумотларни бериш, бажарилган ишларни қабул қилиб олиш белгиланган тартибда амалга оширилади.

1.3. Бажарувчи лойиҳа-смета ҳужжатларини амалдаги тартиб-қоидалар ва меъёларга риоя этган ҳолда ишлаб чиқади.

1.4. Бажариладиган ишлар тартиби, амалга ошириш муддатлари қўйидаги тартибда:

- бажариладиган ишлар муддатининг календар режаси 1-иловага мувофиқ;
- асослаштирилган келишув баённомаси 2- иловага мувофиқ;
- лойиҳа ишларини бажариш сметаси – 3 илова мувофиқ белгиланади.

Ушбу шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади.

2. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ.

2.1. Буюртмачининг мажбуриятлари:

2.2. Бажарувчи шартномада кўзда тутилган шартлар ва тартиблар асосида тўловни амалга ошириш.

2.3. Тайёр бўлган лойиҳа-смета амалдаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ равишда қабул қилиб олишни таъминлаш мажбуриятини олади.

2.5. Бажарувчининг мажбуриятлари:

2.6. Бажарувчи ишларни техник топшириқ ва келишилган график асосида ўз вақтида сифатли бажаришни, Буюртмачи билан бажарилган ишларнинг (босқичларнинг) натижаларини келишиш;

2.7. Объектнинг курилиш-монтаж жараёнида муаллифлик назоратини олиб бориш ишлари амалга ошириши шарт;

2.8. Ушбу шартнома бўйича Бажарувчи ўз мажбуриятларини сифатсиз бажарса, бир ҳафтадан ошмаган муддатда, талаб қилинган сифат даражасида ўз ҳисобидан қайтадан бажариш мажбуриятини олади.

3. ИШЛАРНИНГ ТОПШИРИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

3.1. Қўйидаги шартларнинг тўлиқ амалга оширилганда тарафлар имзоланган шартнома мажбуриятларнинг бажарилиши бошланган ҳисобланади.

3.2. Ишлар тугагандан сўнг Бажарувчи буюртмачига ишларни топшириш ва қабул қилиш далолатномаси билан 2 нусхада лойиҳа-смета ҳужжатлар тўпламини топширади.

3.3. Буюртмачи ишларни қабул қиласлигининг асосли рад жавобини берган ҳолда зарур бўлган қўшимча ишларнинг руйхати ва уларнинг бажарилиш муддатларини кўрсатган ҳолда, икки томонлама далолатнома тузилади.

3.4. Агар ишларни бажарилиш жараёнида уни давом эттириш мақсадга мувофиқ эмаслиги аниқланса, томонлар 5 кун муддат ичида уни тўхтатиш бир-бирини хабардор

қилиши ва 15 иш кунида ишларни давом эттириш мақсадга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги тўғрисидаги масалани кўриб чиқиши шарт. Ишларнинг тўхталиши томонлар учун Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида кўзда тутилган оқибатлар ва жавобгарликка олиб келади.

3.5. Томонлардан бири мазкур шартномада кўзда тутилган ишларни тўхтатиш тўғрисида ёзма хабар берган вақт ўзаро ҳисоб-китоб қилиш вақти ҳисобланади.

4. ШАРТНОМА БАҲОСИ ВА ТЎЛОВ ТАРТИБИ.

4.1. Шартнома бўйича амалга ошириладиган ишларнинг баҳоси – 1 800 000,0 (Бир миллион саккиз юз минг) сўмни ташкил этади.

4.2. Мазкур обьект бўйича тўлов инвестиция дастури ва кайси маблағлар ҳисобидан аниқланиб ва шу бюджет ҳисоб рақами очилгандан кейин, обьектнинг ҳисоб рақамига маблағ ажратилгандан сўнг тўлов амалга оширилади.

4.3. Бажарувчи томонидан бажарилган ишлар учун молиялаштириувчи органлар томонидан маблағ молиялаштирилмаган тақдирда «Буюртмачи» тўловни амалга ошира олмайди.

4.4. «Буюртмачи» шартнома имзолангандан сўнг шартнома баҳосининг 30 % микдорида бўнак (аванс) тўловини амалга оширади.

4.5. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади. Куйидаги ҳолларда:

-ишлар қиймати кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган яъни (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда ва ишлар Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда.

5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ.

5.1. Ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни тарафлар бажармаганда мазкур шартноманинг амалдаги талаблари ва Ўзбекистон Республикаси Конун ҳужжатларига мувофиқ, шунингдек шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига (ШНК 1.03.01-08) мувофиқлиги юзасидан жавоб беради.

5.2. Бажарувчи лойиҳа-смета ҳужжатларида камчиликлар учун қурилиш лойиҳа-смета ҳужжатларини белгиланган тартибда тасдиқлангунга қадар жавоб беради. Лойиҳа-смета ҳужжатларида камчиликлар аниқланган тақдирда Бажарувчи Буюртмачининг талаби билан лойиҳа-смета ҳужжатларини бепул қайта ишлаб чиқади.

5.3. Шартномага томонлар розилиги асосида, ёзма равища ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

5.4. Мазкур шартнома бўйича низо келиб чиқсан ҳолларда, томонлар келишувига эришмаган тақдирда, конунларда белгиланган тартибда ва иқтисодий судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

5.5. Буюртмачи томонидан дастлабки тўлов ва ишларни топширилганда шартлашилган ҳақи кечикирилган ҳар бир кун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,01 фоизи микдорида Бажарувчига пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилган хизматлар қийматининг 10 фоизидан ошмаслиги лозим.

5.6. Бажарувчи томонидан смета ҳужжатларини тайёрлаш ўз вақтида бажарилмай мажбуриятлар бузилган бўлса Бажарувчи Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбириятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,01 фоизи микдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 10 фоизидан ошмаслиги лозим.

5.7. Шартнома «Бажарувчи»нинг ташаббуси билан бекор қилинганда, шартнома бекор қилингунга қадар бажарилган ишлар учун тўланган маблағ «Бажарувчи»га қайтарилмайди.

5.8. Шартнома муддатидан олдин бекор қилиш таклифини билдирган тараф 10 кун олдин муддатда иккинчи тарафни хабардор қилиши лозим. Бунда тарафлар ўртасида ҳақиқатда амалга оширилган ишлар бўйича белгиланган ҳужжатлар асосида тўлиқ ҳисоб-китоб қилинган ҳолда амалга оширилади.

Пеня тўлаш

Бажарувчининг бажарилган ишлари ҳажмидан ёки молиявий ҳисоб-китоблардан аниқланган камчиликлар натижасида Буюртмачига қайтариладиган маблағлар ва бошқа

тўловлар бўйича мажбуриятларни ўз вақтида бажармаса, Буюртмачи ушбу маблағларни молиялаштириш учун ажратилган маблағлар ҳисобидан чегириб қолиш ҳуқуқига эга.

5.9. Мазкур шартнома билан назарда тутилмаган тарафларнинг жавобгарлиги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги хужжатларига мувофиқ белгиланади.

6. ФОРС-МАЖОР ВА НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ.

6.1. Тарафлар ихтиёрига боғлик бўлмаган, уларни олдиндан билиш ёки олдини олиш имконияти бўлмаган ҳолатлар (енгиб бўлмас куч), эпидемия ва х.к. оқибатида мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун тарафлардан бирортаси иккинчи тараф олдида жавобгар бўлмайди.

6.2. Ушбу шартнома бўйича ёки у билан боғлик ҳолда тарафлар ўртасида келиб чиқадиган барча низолар ва зиддиятлар музокаралар олиб бориш йўли билан ҳал этилади.

6.3. Музокаралар олиб бориш йўли билан зиддиятларни ҳал қилишга эришилмаган тақдирда, мазкур шартноманинг тузилиши, унинг шартларини ўзгариши, бузилиши, ижро этилиши, бекор бўлиши, тугатилиши ва ҳақиқийлиги юзасидан келиб чикувчи барча низолар, келишмовчиликлар ва талаблар Йқтисодий судида кўриб чиқилади.

7. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ ВА УНГА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ.

7.1. Ушбу шартнома имзоланган кундан бошлаб кучга киради ва у ўз зиммасига олинган мажбуриятларни тўлиқ бажаргунга қадар амал қиласди.

8. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛЛИ ВА ҲИСОБ РАҶАМЛАРИ

«БУЮРТМАЧИ»

«ИШ БАЖАРУВЧИ»

Андижон туман Ободонлаштириш бошкармаси

Манзил: Андижон туман Куйган-ёр шахарчаси
Тел:

X/r : 401722860032037045204110005

Бюджетдан маблаг олувчи СТИРи: 204 547 251

ОКОН:

Газначилик бўлинмаси номи: Андижон туман буйича
Газначилик булинмаси

Ягона газна x/в: 23402000300100001010

Банкнинг номи: Тошкент шаҳар Марказий банк
ББХКМ МФО: 00014

Газначилик булинмаси СТИРи: 201122919

Рахбари

Н.Нематжонов



«ЙЎЛ-ЛОЙИҲА БЮРОСИ» МЧЖ

Андижон вилояти филиали

Манзил: Тошкент шаҳри, Мустакиллик шоҳ
кўчаси, 68-үй

Тел.+(99871) 237-38-55

X/r 2020 8000 8040 1094 1001

Банк номи: АКИБ “Ипотека-Банк” Яшнобод
филиали

МФО 00959 ИНН 300 112 785

ОКОНХ 66000 ОКЭД 71110



Директор в.б

Г.Мухуддинов

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA**

№ DR87343116

1. Loyihaning turi

SHARTNOMA

2. Loyihaning nomi

№6- sonli Fuqarolik shartnomasi to'g'risida

(«Yo'l loyiha Buyrosi» MCHJ (Bajaruvchi) bilan Andijon tuman Obodonlashtirish Boshqarmasi (Buyurtmachi) o'rtaida tuzilgan fuqarolik shartnomasi to'g'risida:)

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot

Andijon tumani Obodonlashtirish Boshqarmasi tomonidan 23.05.2022 yil

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq. 24.05.2022 yil

**Yuridik xizmat ko'rsatish
markazi bosh yuriskonsulti**



Sh.I.Ismoilov